

ҚОРАМОЛ ТУБЕРКУЛЁЗИНИНГ КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИ

Мамадуллаев Г.Х. - вет.фан.доктори, катта илмий ходим
Ветеринария илмий тадқиқот институти.

Аннотация: Ушбу мақолада туберкулёз касаллигига қарши курашиш учун янги препарат ишлаб чиқариш, ҳайвонларга қўллаш, кимёпрофилактика ёрдамида қарши кураш услубини жорий этиш натижасида чорвачилик фермаларини туберкулёздан соғломлаштириш муддатлари кескин қисқариши, кўплаб инкубацион даврни кечираётган ва латент микробизм ҳолатидаги зотли қорамолларни туберкулёз инфекциясидан асраб қолиш ва носоғлом фермаларда шартли соғлом моллар организмни санация қилиш ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Микобактерия, туберкулёз, МБТ, эпизоотия, бовис, аллергия, ППД туберкулин, туберкулинизация, кимёпрофилактика, туберкулоstatic.

Республикада қорамоллар туберкулёзининг эпизоотик жараёни динамикасини ретроспектив таҳлили асосида касалликни бартараф қилиш адекват чора тадбирлари ишлаб чиқишнинг илмий асосларини янги такомиллаштирилган кимёпрофилактика услуби ташкил қилади. Қиёсий-тарихий ва қиёсий-географик таҳлиллар асосида касалликни бартараф этишнинг мезонлари ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Янги ишлаб чиқиляётган такомиллаштирилган кимёпрофилактика услуби мамлакатимизда ва чет элларда ўтган давр ичида яратилган ва жорий этилган кимёпрофилактика услублари билан таққосланган ҳолда туберкулоstatic препаратлар комбинациясидан иборат туберкулёзга қарши янги комплекс препаратлар устида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тақдим этиляётган кимёпрофилактика услуби қорамоллар орасида туберкулёз касаллигини олдини олиш ва қарши курашишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун тақлиф этиляётган кимёпрофилактика услуби ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Туберкулёз қўзғатувчисининг маълум бир турдаги ҳайвон организмга эволюция давомида мослашишига қарамасдан, улар қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларга ва ҳатто инсон организмга миграция қилади. Шунинг учун туберкулёзни антропозоноз касалликлар қаторига киритилганлиги тиббиёт ва ветеринария мутахассисларининг диагностика, олдини олиш ва қарши кураш тадбирларини ўзаро бирдамликда ўтказишларини тақозо этади.

Туберкулёзнинг барча юкумли касалликларга хос бўлган хусусиятлари билан бир қаторда алоҳида табиатига эга бўлган бир қанча хусусиятлари ҳам мавжуд. Касалликнинг тарқалиши, инфекция келтириб чиқарадиган омиллар, касалликнинг сурункали кечиши, организмнинг касалликка нисбатан микдорий ва сифатий тафовутда жуда кенг даврада бўлиши, моно-, би- ва полирезистентлик омиллари жумласидандир.

Инфекциянинг жамият ижтимоий тузилишига, аҳолининг иқтисодий, яшаш ва маданий шарт-шароитларига узвий боғлиқлиги, унинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Шу боис туберкулёз қадимдан бир вақтнинг ўзида юқумли ва ижтимоий-иқтисодий муаммо саналади.

Касаллик қўзғатувчисининг қорамол турини (*M.bovis*) одамлар организмидан ажратилиш даражаси кўп жиҳатдан қорамоллар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг туберкулёз бўйича эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятига боғлиқ.

Туберкулёзга қарши курашишнинг амалдаги йўриқномасига мувофиқ касалликка қарши курашиш фақат санитария усулида олиб борилиб, қорамолларнинг зотдорлиги, ёши, буғозлиги ёки маҳсулдорлигидан қатъий назар туберкулёзга аллергия текшириш жараёнида ППД туберкулинга мусбат реакция берган қорамолларни чорвачилик фермасидан гўшт комбинатларига, ёки махсус қушхоналарга сўйиш учун жўнатиш йўли билан бартараф қилиб борилади. Ҳар бир аллергия текширишда туберкулинга реакция берган молларни сўйилиши натижасида кўплаб насли мол бош сони бой берилади. Туберкулёз аниқланган хўжаликларда режа асосида аллергия текширишларда ҳар бир туберкулинизацияда (45-60 кун) ижобий реакция берган қорамолларни бартараф қилиб бориш тадбирлари узоқ давом этиши мумкин ва бу жараёнда кўплаб зотдор маҳсулдор қорамолларни камайиб кетишига олиб келади. Подада қолган шартли соғлом қорамоллар организми эса амалдаги йўриқномага мувофиқ муҳофаза қилинмайди, фақатгина санитария усули қўлланилади. Шунинг учун бу жабҳада шартли соғлом мол организмни кимёпрофилактика услуби орқали муҳофазалаш ёрдамида фермада мол бош сонини сақлаб қолиш мумкин. Туберкулёз қўзғатувчисининг инкубацион даври 35 кунни ташкил қилади. Касаллик янги юққан ёки латент даврида қорамоллар туберкулинга реакция бермайди. Бундай моллар организми касаллик юққандан сўнг 45-60 кун ўтгач аллергияга жавоб реакцияси бера бошлайди. Шунинг учун касалликка қарши ўз вақтида кимёпрофилактика услубини қўлланилиши кўплаб сўйилиб кетиши мумкин бўлган маҳсулдор қорамолларни сақлаб қолишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Масалан, Алмата вилояти Енбекшиказах тумани “Талғар” номли хўжалигида қорамолларнинг *M. tuberculosis* –одамларда касаллик чақирувчи тури билан зарарланганлиги аниқланган. Касаллик манбаи бўлиб фермага яқин жойда туберкулёз билан касалланган одамлар яшаган жой хизмат қилган. Фермани соғломлаштириш учун кимёпрофилактика тадбиқ этилган. Янги туғилган бузоқлар КазВИТИ туберкулёзга қарши препарати билан ҳар 10 кун оралиғи билан 2 ой давомида қўлланилган (10мг/кг дозада). Жами 2959 бош бузоққа кимёпрофилактика жорий этилган. Шу усул орқали хўжалик 3 йил ичида туберкулёздан соғломлаштирилган ва кейинги 6 йил давомида мазкур хўжаликда туберкулёз аниқланмаган.

Бундан ташқари, туберкулёз бўйича носоғлом хўжаликларда латент микробизм жараёни ҳам кечади. Сабаби, мол организми ёш даврида (бузоқлигида) инфекцияни юқтирган бўлади ва микобактерия таёкчалари айрим

ички-аъзо ва лимфа тугунларида пассив ҳолатда яшаб қолади. Ёш мол вояга етиб ғунажин бўлгандан сўнг туғиб, сут-маҳсулоти бера бошлагач, табиийки организмнинг резистентлиги пасаяди. Шу фурсатда пассив яшаб қолган туберкулёз таёқчалари қайта фаоллашади ва қорамол организмида касаллик ривожланади. Одатда, бундай қорамоллар аллергия текширишларда ППД-туберкулинга реакция бермайди, аммо ташки муҳитга қўзғатувчини тарката бошлайди. ЖССТ экспертларининг хулосасига кўра, ер юзида ҳар 4 одамнинг бири потенциал туберкулёз ташувчиси ҳисобланади. (**Манба:** <https://mir24.tv>) Шунинг учун янги препарат орқали кимёпрофилактика услубини тадбиқ этилиши инфекциянинг латент ҳолатдаги кўринишига барҳам беришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Туберкулёзга қарши кураш чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш мақсадида амалдаги йўриқномага қўшимча равишда касалikka қарши курашишда туберкулостатиклар комбинациясидан тузилган препаратлар ёрдамида кимёпрофилактика услубини жорий этиш самарали натижалар бериши ҳақида кўплаб муаллифлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Кимёпрофилактика услуби туберкулёз бўйича носоғлом ва касаллик юқиш хавфи мавжуд фермаларда шартли соғлом қорамолларни касалликдан муҳофаза этиш учун тавсия этилган ва амалдаги туберкулёзни олдини олиш ва қарши кураш қўлланмаси чора тадбирларига қўшимча соғломлаштириш воситаси сифатида қўлланилган.

Туберкулёз бўйича носоғлом ва шартли соғлом фермалардаги шартли соғлом қорамолларни касалликдан ҳимоя қилишда ва соғломлаштириш муддатларини қисқартиришда кимёпрофилактика услуби самарали восита бўлиб хизмат қилиши ҳақида кўплаб олимлар томонидан илмий хулосалар берилган. Одатда, амалдаги йўриқномага мувофиқ ташкилий-хўжалик ва ветеринария-санитария усуллари билан хўжаликдаги сут маҳсулот фермасини соғломлаштиришга узок йиллар вақт сарфланиши ҳақида муаллифлар таъкидлашган.

Касаллик бўйича носоғлом қорамолчилик фермаларини соғломлаштириш жараёнида кимёпрофилактика услубини жорий этишдан олдин подадаги барча қорамоллар туберкулёзга аллергия текширилиб, ППД туберкулинга ижобий реакция берган қорамоллар подадан ажратилади ва қолган барча шартли соғлом қорамолларга йўриқномага мувофиқ қайта касаллик юқмаслиги учун препарат юборилиши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидланганларни инобатга олиб, ВИТИ туберкулёз лабораториясида қорамоллар туберкулёзининг кимёпрофилактикаси борасида кўп йиллардан буён илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Қорамоллар туберкулёзига қарши ЭТИС-1 ва ЭТИС-2 кимёпрофилактика воситалари ва қўлланилиш бўйича ўзига хос услубиятлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилган. Сўнгги йилларда лаборатория олимлари томонидан кенг таъсир спектрига эга бўлган туберкулёзга қарши янги “Рифизостреп” препарати яратилди ва лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилди ва жорий этишга тайёрланди. Ишлаб чиқариш шароитидаги синовларда Рифизостреп препарати 20 дан турдан ортиқ ҳайвонлар касалликларини

даволашда юқори терапевтик самара кўрсатди. Туберкулоstatic препаратларнинг янги комбинациясини ишлаб чиқариш учун керакли фармакопея препаратлари Республикамизнинг барча тиббий ва ветеринария дорихоналарида доимий мавжуд ва харид қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мамадуллаев, Г., Тохлиев, А., & Джуракулов, О. (2024). Биологические показатели туберкулинового диагностического средства ППД, приготовленного из местного штамма. *in Library*, 1(1), 18-21.
2. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Тухлиев, А., & Джуракулов, О. (2024). Особенности возникновения эпизоотий и эпидемий туберкулеза крупного рогатого скота. *in Library*, 2(2), 240-247.
3. Мамадуллаев, Г., Саидов, А., Файзиев, У., & Джуракулов, О. (2024). Влияние на возникновение аллергических туберкулиновых реакций у крупного рогатого скота. Факторы. *in Library*, 2(2), 154-158.
4. Мамадуллаев, Г., Ибрагимов, Д., Ибрагимова, Ф., & Даминов, А. (2024). Влияние препаратов с синергической смесью фенцидов на интенсивность инвазии, морфологические показатели крови и лейкоцитарную формулу при эймериозе кур, смешанном с колибактериозом. *in Library*, 2(2), 1-8.
5. Мамадуллаев, Г., & Файзиев, У. (2024). Рифизостреп–новый препарат против туберкулеза. *in Library*, 1(1), 120-126.
6. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., & Джуракулов, О. (2024). Бактериологическая характеристика внутренних органов кроликов, получавших «РИФИЗОСТРЕП» после туберкулезной инфекции. *in Library*, 1(1), 21-26.
7. Мамадуллаев, Г., & Джуракулов, О. (2024). Экономическая эффективность способа химиопрофилактики туберкулеза крупного рогатого скота с применением препарата этис-2. *in Library*, 1(1), 149-155.
8. Мамадуллаев, Г., & Джураев, О. (2024). Патоморфологическое исследование действия рифизострепа на внутренние органы кроликов. *in Library*, 1(1), 123-127.
9. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Джуракулов, О., Сапаров, А., & Хамидов, С. (2024). Химиопрофилактическая эффективность препарата «РИФИЗОСТРЕП» при экспериментальном туберкулезе морских свинок. *in Library*, 1(1), 15-20.
10. Djurakulov, O. K., & Mamadullayev, G. H. (2024). QORAMOLLAR TUBERKULYOZINI ETIS-2 PREPARATI YORDAMIDA KIMYOPROFILAKTIKA QILISH USLUBINING IQTISODIY SAMARADORLIGI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 149-155.
11. Джураев, О. А., & Мамадуллаев, Г. Х. (2024). ҚУЁНЛАР ИЧКИ АЪЗОЛАРИГА РИФИЗОСТРЕПНИНГ ТАЪСИРИНИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎРГАНИШ. *Ustozlar uchun*, 1(1), 123-127.
12. Mamadullayev, G. X., Fayziyev, U. M., Djurakulov, O. K., Saparov, A. R., & Xamidov, S. (2024). TUBERKULYOZ YUQTIRILGANDAN SO 'NG

“RIFIZOSTREP” QABUL QILGAN QUYONLAR ICHKI A’ZOLARINING BAKTERIOLOGIK TAVSIFI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 21-26.

13. SURUNKALI ZAHARLILIK DARAJASINI ANIQLASH. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 106-110.

14. Мамадуллаев, Г., & Усмонова, Х. (2022). Способ лечения трихофитии крупного рогатого скота препаратами Флуконазол и Бутасол-100. *in Library*, 22(3), 28-30.

15. Мамадуллаев, Г., & Нематов, С. (2022). Бактерицидное действие препарата «ТУБАЗИД-МАСКГ» на штаммы *M. tuberculosis* и *M. bovis*. *in Library*, 22(4), 19-23.

16. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Тухлиев, А., & Джуракулов, О. (2022). *Tuberkulyoz mikobakteriyalariga qarshi yangi tayyorgarlik IN VIVO sinovlari*. *in Library*, 22(2), 14-18.

17. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Джуракулов, О., & Тўхлиев, А. (2022). Новый препарат против микобактерий туберкулеза. *in Library*, 22(3), 11-14.

18. Мамадуллаев, Г., & Файзиев, У. (2022). О критериях аллергической реакции при туберкулезе и методах туберкулинизации. *in Library*, 22(2), 8-9.

19. Мамадуллаев, Г., Доскулов, В., & Ибрагимов, Ф. (2022). Ветеринарно-санитарная экспертиза препаратов, применяемых при заболевании туберкулезом крупного рогатого скота. *in Library*, 22(4), 1-6.

20. Мамадуллаев, Г., & Файзиев, У. (2022). Эпидемиологические и эпизоотические проблемы туберкулеза сельскохозяйственных животных и птиц. *in Library*, 22(2), 26-30.

21. Мамадуллаев, Г., Избасаров, У., Рузиев, З., & Усмонова, Х. (2022). Современные требования к лечению дерматозов сложной этиологии, трихофитии у людей, овец и коз. *in Library*, 22(2), 684-687.

22. Мамадуллаев, Г., Шомуротов, Ш., Ахмедов, О., & Тураев, А. (2021). Противотуберкулезная активность и фармакокинетика полимерных конъюгатов изониазида и этамбутола. *in Library*, 21(4), 23-27.

23. Мамадуллаев, Г., Наврузов, Н., & Елмуродов, Б. (2021). Роль хитозана в патоморфологии и иммунопрофилактике колибактериоза телят. *in Library*, 21(2), 25-28.

24. Мамадуллаев, Г., & Жўракулов, О. (2020). Сравнительная эффективность туберкулёза крупного рогатого скота и методы выздоровления от заболевания. *in Library*, 20(2), 111-113.

25. Мамадуллаев, Г., Шомуротов, Ш., Ахмедов, О., & Тураев, А. (2019). Исследование специфической активности препарата БИОМАЙРИН против туберкулеза. *in Library*, 19(1), 47-52.

26. Мамадуллаев, Г., Ахмадалиева, Л., Салимов, Х., Гафуров, А., Элмуродов, Б., Исматова, Р., ... & Орипов, А. (2019). Правовая охрана объектов интеллектуальной собственности в нии ветеринарии. *in Library*, 19(4), 228-232.

27. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Сувонов, С., Тураев, А., & Шомурадов, Ш. (2019). Влияние препарата Майрин на штаммы туберкулеза. *in Library*, 19(2), 8-10.